

10-1-2020

INNOVATIVE DEVELOPMENT OF BANKS IN UZBEKISTAN

F. Dodiev

Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

D. Yusupova

Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Dodiev, F. and Yusupova, D. (2020) "INNOVATIVE DEVELOPMENT OF BANKS IN UZBEKISTAN,"
International Finance and Accounting: Vol. 2020 : Iss. 5 , Article 9.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss5/9>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Ф.Ў.Додиев
Д.Р.Юсупова
Банк-молия академияси

ЎЗБЕКИСТОНДА БАНКЛАР ФАОЛИЯТИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ

Бугунги кунда рақамли технологияларни жорий этиш банк тизимини инновацион ривожлантиришни тақозо этади. Шу боисдан асосий диққат мақола Ўзбекистон банклар фаолиятини инновацион ривожлантириш масалаларига қаратилган. Ушбу долзарб вазифадан келиб чиқиб, мақолада банк фаолиятини инновацион ривожлантириш аҳамиятини ёритиш, бу бўйича ватанимиз ва хорижий олимлар назарий қарашлари ва банк тизимини инновацион ривожлантириш бўйича мавжуд вазият таҳлили, шунингдек банкларни инновацион ривожлантириш бўйича таклиф ва хулосалар ишлаб чиқилган. Ишда республикамиз тижорат банклари ўз фаолиятларини инновацион ривожлантириш бўйича олиб бораётган саъй-ҳаракатлари акс эттирилган. Буларнинг кулайлигига эришиш учун рақамли иқтисодиёт принципларидан фойдаланиш лозимлиги ҳам қайд этилган. Рақамли технологияларни самарали фойдаланилган ҳолда банк тизимини инновацион ривожлантириш имкониятлари ёритилган.

Таянч сўз ва иборалар: банк, инновацион ривожланиш, рақамли банк, молиявий хизмат.

INNOVATIVE DEVELOPMENT OF BANKS IN UZBEKISTAN

Today, the introduction of digital technologies requires innovative development of the banking system. Therefore, the main focus of the article is on the innovative development of banking in Uzbekistan. Based on this topical issue, the article highlights the importance of innovative development of banking, analyzes the theoretical views of domestic and foreign scholars and the current situation on innovative development of the banking system, as well as proposals and conclusions on innovative development of banks. The work reflects the efforts of commercial banks of the republic to develop their activities in an innovative way. It was also noted that the principles of the digital economy should be used to achieve this convenience. Opportunities for innovative development of the banking system with the effective use of digital technologies are highlighted.

Key words: banking, innovative development, digital banking, financial services.

Кириш

Ҳозирги технологик жараёнлар тез ўзгариб турган пайтда банклар фаолиятининг самарадорлигини сезиларли даражада ошириш инновацион технологияларни жорий этишга боғлиқдир. Молиявий хизматлар бозорида рақобат юқори бўлган шароитда банкларда янги инновацион технологияларни

қўллаш банк хизматларини юқори сифатли ва тез кўрсатишни таъминлашга хизмат қилади.

Давлатимиз Президенти банк тизими ҳақида фикр юритиб, “Афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда” [2, 3-б.] деб таъкидладилар. Бундан мамлакатимизда амалга ошириш лозим бўлган муҳим масала сифатида рақамли банкингни ривожлантиришни эътироф этишимиз лозим.

Бугунги кунда республикамизнинг барча тижорат банклари иқтисодиёт тармоқларини молиялаштириш ва аҳолини истеъмол кредитлари билан таъминлаш ҳажми ортиб бормоқда. Шунга қарамасдан, коронавирус пандемияси оқибатларини бартараф этиш, иқтисодиётнинг реал тармоқларидаги корхоналар фаолиятини тўлиқ тиклаш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳоли истеъмолини оширишни молиялаштиришда банк муассасаларининг иштирокини янада кенгайтириш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Республикамиз тижорат банклари фаолияти жаҳон андозаларига тобора яқинлашиб бормоқда. Банк фаолиятининг илғор халқаро тажрибасини ўрганиш ҳамда банк хизматлари ва маҳсулотларининг янги турларини жорий этиш; банклар филиаллари ва мини-банклар қопланишини ҳамда банк хизматларига бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олиб банк фаолиятини кенгайтириш; банк технологияларини кенг қўллаш; инновацион банк маҳсулотларини кенг жорий қилиш миллий иқтисодиётга банк соҳасининг хизмат кўрсатиш сифатини оширишига хизмат қилади.

Ҳозирги шароитда тижорат банклари рақобатбардошликка эришиш учун фан-техника тараққиётининг сўнгги ютуқларидан, айниқса, молиявий технологиялардан фаол фойдаланиб, ўз фаолиятларини инновацион ривожлантиришга аҳамият беришлари лозим. Шундагина банклар молия хизматлари бозорида янги ва такомиллашган маҳсулот ҳамда хизматларни таклиф қилишлари, мижозларига эса қулай молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини яратиб беришлари мумкин бўлади. Энг муҳими, буни иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини рақамли технологиялар қўллаган ҳолда ривожлантиришга эътибор берилаётган ҳозирги даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Тижорат банкларини инновацион ривожлантириш борасида иқтисодчи олимларнинг ёндошувлари турличадир.

Э.А. Безуглый фикрича, банк фаолиятини инновацион ривожлантириш маълум банк маҳсулоти ёки хизматини тақдим этувчи, шунингдек, банк хизматини самарали кўрсатишни таъминловчи такомиллашган жараёнлар технологиясини тақдим этувчи банк инновацияларини жорий этиш ҳисобидан рўй беради [5, 26-27 б.]. Банк инновациялари тўғри ёки билвосита банк молиявий натижаларини оширишга олиб келади.

А.С. Менделян одатда, банк инновациялари ахборот технологиялари билан боғланган бўлишини таъкидлайди [9, 393-395 б.]. Сифатли IT-платформа операциялар ўтказиш тезлигини ошириш, онлайн хизматларни ривожлантириш, ҳужжат алмашинувида овозагарчиликларни камайтириш каби кўпгина вазифаларни ҳал этишга кўмаклашади.

Банк фаолиятида инновациялардан фойдаланиш натижалари банк рақобатбардошлилиги шароитида юзага чиқаётган дистанцион банк хизматларини пайдо бўлишига олиб келганлигини айтиб ўтган олимлар ҳам бор [7, 107 б.].

М.Тангишов тадбиркорлар тижорат банклари томонидан тезкор, сифатли, арзон ва хавфсиз тўловларни амалга оширилишни хоҳлашларини инобатга олиб тижорат банклари фаолиятида банк маҳсулотлари ва сифатини оширишда инновацион ёндашув эътироф этади [11]. Унинг фикрича, инновацион банк маҳсулоти – бу тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган илгари яратилмаган, замонавий техник-технологик янгиликларни қўллаган ҳолатда ишлаб чиқилган махсус янги банк маҳсулотлари дея таъкидлайди.

М.С. Ананикян ва Т.П.Носовалар банкларни инновацион ривожлантириш, бир томондан, мижозларга эҳтиёжини тўлароқ қондириш ёки янги хизматларни шакллантириш, бошқа томондан маҳсулотлар ва хизматларни тақдим этиш кўламини кенгайтириш ва кўшимча даромад олишга йўналтирилган банк маҳсулоти, операциялари, хизмати, бизнес-жараёнларини такомиллаштириш ёки янги турларини жорий этишдан иборат бўлган банк фаолиятини модернизация қилиш жараёни сифатида эътироф этишади [4, 104 б.].

Бир қатор хорижий олимлар фикрича, банк тараққиёти ва инновациялар ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилишни ташкил қилишнинг самарали усули – бу инновацияларни ишлаб чиқариш жараёнидаги маълумотларни ўрганиш ва хулоса чиқаришдир [14, 199-б.].

Ҳозирги вақтда республикамиз тижорат банклари ўз фаолиятларини инновацион ривожлантиришга ҳаракат қилишяпти. Аммо молиявий технологияларни қўллаган ҳолда банк хизматларини кўрсатиш, айниқса, уларнинг турлари талаб даражасида эмас. Банкларнинг IT-платформалари молиявий хизматлар кўрсатувчи майдончага тўлиқ айланмаган.

Тадқиқот методологияси

Изланишларимиз натижасида банк тизимида инновацион ривожлантириш, инновацион технологиялардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш бўйича ўзгаришлар ўрганилган бўлиб, истиқболда банк фаолиятида инновацион технологияларни жорий этишни кенг ривожлантириш бўйича илмий хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотни олиб бориш жараёнида абстракт фикрлаш, тизимли ёндашув, комплекс баҳолаш каби усуллардан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Республикаимиз иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш шароитида тижорат банклари инновацияларни қўллаган ҳолда молиявий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаши миқдорларни фаол жалб этиш имкониятини беради. Натижада бу банк хизматларини турли тарзда миқдор имкониятига мос ҳолда тақдим этиш ва молиявий хизматлар бозорида рақобат муҳитининг кучайиши, қолаверса, банк хизмат турларига бўлган қизиқишнинг ортишига хизмат қилади.

Мамлакатимиз банк тизимида инновацион фаолликни ошириш, унинг натижаларини молия хизматлари бозорида фаол қўллаш муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. Шу боис, банк тизимини ривожлантириш мақсадида янги инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларни банклар фаолиятига тадбиқ этиш соҳа ривожига ижобий туртки бўлади.

Тижорат банкларига бўлган муносабатни яхшиланиши ва ишончни ошишига, айнан, банк тизимида инновацион муҳитни шакллантириш орқали тез эришиш мумкин. Бу, ўз навбатида, банк тизимини янада барқарор ривожланишига муҳим замин яратади. Шунинг учун тижорат банклари ўз фаолияти натижасида ҳосил бўлган даромадларининг маълум бир қисмини инновацияларга ҳамда илмий-тадқиқотларга йўналтириши инновацион фаолликни янада ривожлантиришга олиб келади. Оқибатда банк хизматлари тури ва сифати ошади, банк миқдорларининг уларга бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш имконияти яратилади.

Тижорат банклари инновацияларни жорий қилиши натижасида миқдорларга тақдим этадиган хизматлар турларини кўпайтириши, айниқса, чакана операцияларини ривожлантириши билан ўз фаолиятини диверсификация қила борадилар. Чунки банкларнинг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиши янги банк маҳсулотлари пайдо бўлишининг асосий омили ҳисобланади.

Бугунги кунда аҳоли тижорат банклари томонидан мобил илова дастурлари орқали реал вақт режимида картадан картага пул ўтказиш (P2P) операцияларини бажариш, солиқ, бюджет, коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш, микроқарз олиш ва кредитларни сўндириш, онлайн омонатларни расмийлаштириш, депозит ҳамда ссуда (кредит) ҳисобварақларини масофадан очиш, халқаро банк карта ҳисобварағидан тўловларни амалга ошириш, онлайн конверсия операцияларини амалга ошириш ва бошқа масофавий банк хизматларидан кенг фойдаланмоқда (1-расм).

Масофавий банк хизматлари анъанавий усулларга нисбатан хизмат кўрсатиш сифатининг ошиши, рақамли банкинг ва рақамли банкни кенг жорий этиш янги банк маҳсулотларини яратиш ва филиаллар очиш билан боғлиқ харажатларни қисқартириш каби устунликларга эга [10, 243-б.]. Демак, банклар дастлаб инновацияларга харажат қилиши кейинчалик банк фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни кескин қисқартириш имконини беради.

Шунингдек, иқтисодчи олим О.Аликориёевнинг фикрича, "...банк миқдор ва интернет тизимларига асосланган масофадан банк хизмати кўрсатиш миқдорларга хизмат кўрсатишнинг анъанавий банк усулларига кўра, ҳар қандай

жойдан туриб, мижоз ўз ҳисобварағидан фойдаланиши ҳамда трансакцияларни амалга ошириши, сервисдан ҳафтасига етти кун, суткасига 24 соат мобайнида фойдаланиш, трансакциялар дарҳол бажариланиши ва тасдиқланиши каби афзалликларга эга” [3, 11-б.]. Рақамли банкинг тушунчасини тўлиқ англаш учун мижоз-банк, банк мижоз, интернет банкинг, электрон банкинг, online banking”, “remote banking”, “direct banking”, “home banking”, “PC banking”, телефон банкинг, мобил банкинг, “WAP banking”, СМС банкинг, “GSM banking” ва “TV banking” каби тушунчаларни англаб олиш керак бўлади [8, 50-б.].



1-расм. Ўзбекистон Республикасида банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланувчилар сони

Манба: <https://cbu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобот маълумотлари

Мамлакатимиз банк амалиётида 2007 йилдан бери қўлланила бошлаган Интернет-банкнинг хизмат тури фойдаланувчилари сони кундан кун ортиб бормоқда. Зеро, эндиликда жуда кўпчилик тижорат банкларимиз ушбу хизмат турини ўз фаолиятларида қўллаган ҳолда мижозларга таклиф қилишмоқда.

Ҳозирги замон шарт-шароитлари ва талаблари банкларни инновацион равишда мижозларига доимий хизмат турларини кенгайтириш ва янада қулайликлар яратишни тақозо этади. 2019 йилдан бошлаб бошқа тижорат банклари сингари Агробанкда ҳам тадбиркорлик субъектларига онлайн кредит ажратиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Агробанк инновацион технологиялардан фойдаланиб замонавий банк хизматларини кўрсатиш, шу жумладан масофавий банк хизматлар соҳасида нафақат Россияда балки МДХ ва хорижий банклар ўртасида алоҳида ўринга эга бўлиб, ҳалқаро рейтингларда ҳам юқори натижаларга эришган йирик банклардан бири ҳисобланади.

Масофавий банк хизматларининг ривожланиши банк хизматлари тизимида янги ҳажмдаги ва янги шаклдаги турли хизматларни юзага келишига сабаб бўлди.

Бугунги кунда ушбу “Интернет-банкинг” атамаси бутун тармоқларни забт этган бўлишига қарамасдан, ўзининг қонуний юридик таърифига эга эмас. Бундан ташқари, ҳеч бир ҳуқуқий ёки иқтисодий фанда ушбу тушунчанинг ҳажми тўлалигича, ҳаттоки, назарий томондан ҳам ёритиб берилмаган.

Интернет-банкинг тушунчасини ҳуқуқий ҳамда иқтисодий томондан кенг ва тор маъноларда кўриб чиқиш мумкин. Бунда “банк электрон фаолияти” тушунчаси ҳам хусусий ҳам умумий алоқага эга экалигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу соҳада тадқиқот олиб борганлар, охириги йилларда банк фаолиятида пайдо бўлган инновацион ривожланиш кўринишларини эътироф этишади [6, 78 б.]:

- онлайн-банкинг;
- смартфонлар орқали ҳужжатларни сканерлаш;
- СМС орқали солиқ ва жарималар ҳақида хабар олиш;
- смартфонлар орқали харидларни амалга ошириш;
- пластик карталараро пул ўтказмаларни амалга ошириш.

Иқтисодиётда тўловларни нақд пулсиз амалга оширишнинг инновацион шаклларига бўлган эҳтиёж муттасил ортиб бормоқда. З.Умаров фикрича, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли тежамли, кам вақт ва ҳаракат сарфланадиган, юқори ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда молиявий операцияларни амалга ошириш, маълумот олишга кўпроқ иштиёқ билдирмоқда [12].

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда анъанавий банклардан фарқли равишда онлайн банкларнинг ривожланиши бир қатор афзалликларни келтириб чиқарди. Банк миқозларининг аксарияти ўзларининг смартфонларида ёки компьютерларида банк операцияларини олиб бормоқдалар. Айниқса, коронавирус пандемияси шароитида банк филиалларининг ёпилиши кўпроқ онлайн банк хизматларини афзалликларини келтириб чиқарди. Жаҳонда бир қатор онлайн банклар фаолият кўрсатмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

2020 йилнинг энг яхши онлайн банклари

т/р	Банк номи	Мамлакати
1.	Ally Bank	АҚШ
2.	American Express National Bank	АҚШ
3.	Barclays US Savings	Буюк Британия
4.	Capital One	АҚШ
5.	Charles Schwab Bank	АҚШ
6.	Chime	АҚШ
7.	CIT Bank	АҚШ
8.	Discover Bank	АҚШ
9.	Marcus by Goldman Sachs	АҚШ

10.	Radius Bank	АҚШ
11.	Synchrony Bank	АҚШ

Манба: <https://www.forbes.com/advisor/banking/best-online-banks/>

Ҳозирда, Россия ҳудудидан Ўзбекистонга пул юбориш учун вақтини ва нақдини кетказиб банка боради, маблағларини конвертация қилдириб, пул ўтказмалари орқали юборади ва юборилган маблағни Ўзбекистондаги қабул қилувчи шахс (Ўзбекистондаги банкларда) банк иш вақтида навбатда туриб юборилган маблағларини олиб келмоқда, бу эса ўз навбатида бирмунча ноқулай ҳолат.

Таъкидланишича, банк фаолиятининг инновацион технологиялари банк фаолиятининг барча соҳалари ривожланишига ва фаолияти самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатадиган банк ташкилотининг барча қоидалари ва усуллари йиғиндиси сифатида қаралиши керак [13].

Эндиликда, банкларга бориш, навбатга туриш, банкларнинг иш вақтини кутиш каби сарсонгарчилик ва овворагарчиликларга чек қуйилди. Сбербанкнинг барча филиаллари ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда “Sberbank Online” мобил иловаси орқали Агробанк пластик карталарига маблағ ўтказиш - P2P хизмати жорий қилинган.

Тан олиш лозимки, мамлакатимиз банк-молия тизимида мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини қабул қилиниши банк соҳасини ривожланиши, унинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Ушбу мақсадларга эришиш учун мазкур стратегияда давлат банклари кенгашига мустақил аъзоларни киритиш, қатор банклар фаолиятини халқаро ташкилот, компания ва экспертларни жалб қилган ҳолда диагностика қилиш, банклар устав капиталидаги давлат улушини босқичма-босқич камайтириб бориш каби аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган. Шунингдек, банк ходимлари фаолияти самарадорлиги КРІ тизимини жорий қилиш, лойиҳалар фабрикаси концепцияларини ишлаб чиқиш, банк хизматлари бозорида рақобат муҳитини янада кучайтириш мақсадида fin-tech компаниялар фаолиятини йўлга қўйиш, корпоратив бошқарувнинг халқаро тажрибасини ўрганган ҳолда функционал тизимини яратиш бўйича замон талаби даражасидаги чора-тадбирларнинг белгилаб берилган [1]. Энди энг муҳими, ушбу чора-тадбирларни вақтида ва тўлиқ амалга ошириш ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимиз банклар тизимини инновацион ривожлантириш учун қуйидаги таклифлар тавсия этилади:

1. Банклар ўз даромадларининг маълум қисмини инновациялар ва илмий-тадқиқот ишларига йўналтириши лозим. Шундагина банклар замонавий молиявий технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотлари яратиш имкониятига эга бўлади.

2. Тижорат банклари ахборот технологияларни қўллаган ҳолда IT-платформаларини молиявий хизматлар кўрсатувчи савдо майдончасига айлантиришлари лозим. Мижозлар банкнинг IT-платформасидан аксарият асосий банк хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак.

3. Банк соҳасидаги молиявий маҳсулот янгиликларининг “локомотив”и сифатида банklar янги инновацион маҳсулотларни жорий қилишда, иш сифати ва тезлигига ижобий таъсир кўрсатувчи “big data” таҳлил услубларини фаол жорий этиши лозим. Бу таҳлилий экспертиза жараёнларни чуқурлаштириш ва рискларни камайтириш имконини беради.

4. Банklar фаолиятида операцион рискларни камайтириш мақсадида “қўлдаги” операцияларни минималлаштириш, масофадан идентификация қилиш ва мижознинг шахсан ўзи жисмонан иштирокини талаб қилмайдиган молиявий технологиялардан фойдаланиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Farmon (2020). O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 12 maydagi “2020-2025 yillarga mo'ljallangan O'zbekiston Respublikasining bank tizimini isloh qilish strategiyasi to'g'risida”gi PF-5992-sonli Farmoni. <https://lex.uz/docs/4811025>

2. Murojaatnoma (2020). O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. // Xalq so'zi, 2020 yil 25 yanvar. 3-son. 3 b.

3. Alikoriev O. (2011). Tijorat banklarida moliviy xizmat turlarini rivojlantirish yo'nalishlari. I.f.n. ilmiy darajasini olish uchun diss. avt. - T. - 28 b.

4. Ananikyan M. S., Nosova T. P. (2017). Innovatsii v bankovskom деле. // Ekonomicheskie issledovaniya va razrabotki. - №. 6. - S. 103-106.

5. Bezuglyy E. A. (2016). Bankovskaya innovatsiya kak protsess modernizatsii deyatelnosti banki. // Uspehi sovremennoy nauki i obrazovaniya. - T. 2. - №. 3. - S. 26-27.

6. Zinovyeva N. M., Yurina E.V. (2016). Bankovskie innovatsii v Rossii na sovremennom etape razvitiya // Territoriya nauki. - №3. - S. 76-80.

7. Karminskiy A. M., Jdanova O. R. (2013). Sovremennye tendentsii bankovskix innovatsiy // Marketing va menedjment innovatsiy. - № 2. 106-118 s

8. Raxmonov D.A., Xoshimov E.A., Alimardonov E.D., Bekmurodova G.A., Mamadiyarov Z.T. (2018). Molaviyaviy globallashuv sharoitida masofaviy bank xizmatlarining rivojlanishi: nazariya va amaliyot. Monografiya. - T. : Iqtisodiyot. - 127 b.

9. Mendelyan A.S. (2013). Elektronnye innovatsii v bankovskom biznese: finansovoe obespechenie // Molodoy uchenyy. №11. - S. 393-395.

10. Rahimova X.U. (2016). Naqd pulsiz hisob-kitoblar va to'lov tizimi. O'quv qo'llanma. - T. : Moliya. 299 b.

11. Tangishov M. (2015). Innovatsion bank mahsulotlari: banklar uchun eng dolzarb masala. // Biznes-ekspert. №6 (90). <http://biznes-daily.uz/uz/birjaexpert/31707-innovatsion-bank-mahsulotlari>.

12. Umarov Z. (2019) Yangi bank xizmatlari, ularni rivojlantirish. // Bozor, pul va kredit. 1-son. <https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-biznes-uz/4490-zafar-umarov-yangi-bank-xizmatlari-ularni-rivojlantirish>.

13. Arifhodjayeva, M. (2016). Marketing research in innovative development of commercial banks. Cognition paradigm [Paradigmata poznaniy], (1), 44-48.

14. Benfratello, L., Schiantarelli, F., & Sembenelli, A. (2008). Banks and innovation: Microeconomic evidence on Italian firms. Journal of Financial Economics, 90(2), 197-217.

15. Ichki valyuta bozori buyicha qisqacha sharh (2020 yil yanvar-iyun oylari). http://www.cbu.uz/oz/press_center/reviews/366031/